

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

КЕНЕСБАЕВА ШАХСАНеМ КЕНЕСБАЙ ҚИЗИ

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ДОСТОНИ «ШАҲРИЁР» (ГЕНЕЗИСИ,
ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. СЮЖЕТ ҚАТЛАМИ ВА ОБРАЗЛАР
ТАРКИБИ)**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Кенесбаева Шахсенем Кенесбай кизи

Қорақалпоқ халқ достони «Шахриёр» (Генезиси. Жанрий хусусиятлари. Сюжет қатлами ва образлар таркиби5

Кенесбаева Шахсенем Кенесбай кизи

Каракалпакский народный эпос «Шахрьяр» (Генезис. Жанровые особенности. Сюжетные пласты и система образов.....25

Kenesbaeva Shakhshanem Kenesbay kizi

Karakalpak Folk Dastan (heroic-epic) “Shariyar” (Genesis. Genre typology of the plot and motives, and the system of images).....48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works52

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

КЕНЕСБАЕВА ШАХСАНеМ КЕНЕСБАЙ ҚИЗИ

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ДОСТОНИ «ШАҲРИЁР» (ГЕНЕЗИСИ,
ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. СЮЖЕТ ҚАТЛАМИ ВА ОБРАЗЛАР
ТАРКИБИ)**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil908 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Бекбергенова Зияда Утеповна**
Филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Бахадирова Саригул**
Филология фанлари доктори, профессор

Сариев Санъат Матчанбоевич
Филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5 Тел.: (99871) 223-36-50: fax: (99871) 233-71-44: e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Б. Тухлиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д. профессор

Л. Худайкулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н.

Ш. Турдимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида халқ дostonларининг пайдо бўлиши ва шаклланиши илдизлари, поэтик, типологик ва эволюцион хусусиятлари, жировчилик санъати ва устоз-шогирд мактаби, бадихагўйлик маҳорати масалалари олдинги даврларга нисбатан анча кучайиб бармоқда. Зотан, шу асосда халқ дostonлари генезиси, сюжет қатламлари, вариант ва версияларининг пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёнлари қадимги даврлардаги – борлиқни мифологик идрок этиш асосида вужудга келган архаик сюжетларга бориб тақалиши ҳақидаги назарий қарашлар чуқурлаштирилди. Эпосшуносликдаги бундай янги илмий-назарий концепциялар халқ оғзаки бадий ижодиётидаги қаҳрамонлик, романик дostonлар билан бирга маиший турмуш ҳодисаларини акс эттирувчи мифологик эртакларга оид, фантастик сюжетларга бой миллий эпос версияларининг ўзига хос табиатини, типологик хусусиятларини, ҳамда бадий эволюциясини тадқиқ этишда амалий манба вазифасини ўтайди.

Дунё фольклоршунослигида халқ дostonларининг миллий версиялари вариантларида ўз аксини топган сайёр сюжетларни қиёсий ўрганиш асосида уларнинг юзага келишига асос бўлган архаик сюжет ва архетипларнинг бадий эволюциясини ойдинлаштириш тамойили етакчилик қилмоқда. Ушбу янги назарий концепциялар туркий халқлар эпосини фундаментал тарзда ўрганиш, айниқса, бахши ва жировларнинг маҳорати ва эпик аънаналарининг эволюцион ривожланиш тамойилларини ойдинлаштиришга замин яратади.

Бугунги кунда халқимиз бадий тафаккури тараққиётига катта таъсир кўрсатаётган жировчилик санъати аънаналарини сақлаш ва ривожлантириш, асрлар оша яратилиб, куйланиб келинаётган халқ дostonларининг генетик илдизларини, жанрий хусусиятларини, сюжет, мотивлар типологияси ва образлар тизимини ўрганиш, бахши ва жировларнинг бадихагўйлик маҳоратини ҳар жиҳатдан таҳлил этиш миллий фольклор аънаналарининг умумжаҳон бадий тафаккури тизимидаги нуфузини аниқлашга катта имкониятлар яратмоқда. «Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насаби, тарихий илдизлари, ажойиб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва элат вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканини англатади»¹. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув даврида халқимиз бадий тафаккурининг маҳсули бўлган кенг доирадаги дostonларнинг, хусусан, қорақалпоқ халқ дostonи «Шаҳриёр»нинг генезиси, жанрий хусусиятлари, сюжет қатламлари, образлар тизими, мотивлар типологияси ва поэтикасини ҳозирги давр фольклоршунослигининг илғор концепциялари асосида таҳлил этиш миллий маданиятимизнинг қадимги ўрта аср даврларидан бошланганлигини асослашга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // «Қорақалпоғистон тонги» газетаси, 2019йил 11апрель. №15-16 (1336-1337)

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги», 2021 йил 10 апрелдаги ПҚ-5070-сон “II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 21 апрелдаги VMQ-228-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарорларида ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дostonлар генезиси, жанрий хусусиятлари, уларнинг сюжет қатламлари ва образлари тизими, типологияси ва поэтикасига тегишли бир қатор назарий масалалар ўзбек фольклоршунослари томонидан муайян даражада тадқиқ этилган.² Туркман ва қозоқ олимлари ҳам бу соҳада бир қатор тадқиқот ишларини олиб бордилар³. Кейинги пайтларда ўзбек фольклоршунослигида «Шаҳриёр» дostonи ўзбек версияси хоразм вариантлари бўйича махсус диссертация ҳимоя қилинди⁴. Таниқли немис олими К.Райхл Ўрта Осиё туркий халқлари дostonчилигининг миллий ўзига хослиги ва типологияси эпик онг ва ижрочилар маҳорати, дostonларнинг версия ва вариантлари масалалари

² Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Дoston, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: Фан, 1981.- Б.9-61; Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Ташкент: “Фан” 2008; Рўзимбоев С. Хоразм дostonчилиги эпик аъналари. – Урганч: Университет, 2008; Ёрматов И. “Алпомиш” дostonи поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1994; Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2009; Тўхлиев Б. Юсуф хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. – Тошкент: Баёз, 2013. Турдимов Ш. “Тўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: “Фан”, 2011; Шумуаллиф. Этнос ва эпос. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012; Эшонқул Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006; Мирзаева С. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2004. Сариев С.М. Хоразм “Тўрўғли” дostonларининг қўлёзма нусхалари. – Тошкент: Муҳаррир, 2012.

³ Карриев Б.А. Эпос и дестаны (к вопросу об их взаимосвязи) // Известия А.Н. Туркменстана. Серия общественных наук, 1973, №6; Гарриев С. Туркмен эпосы, дессанлары ве гундогар халқларынын эпика доредижилиги. – Ашқабат, 1982; Қоңыратбаев Э. Қазақ эпосы және түркология – Алматы: «Ғылым», 1987; Бердибаева Р. Сарқылмас қазина. – Алматы: «Ғылым», 1993.

⁴ Матқулиева М.Ф. «Шаҳриёр» дostonининг илк манбалари, унинг дoston ва эртак вариантлари. Филол.ф. бўйича PhD автореферати. – Тошкент, 2020. – 32 б.

бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш баробарида қорақалпоқ халқ достони «Шаҳриёр» ҳақида ҳам баъзи фикрларини ўртага ташлайди⁵.

Қорақалпоқ фольклоршунослигидаги Н.Давқараев, Қ.Айимбетов, И.Сағитов, Қ.Мақсетов, Ҳ.Ҳамидов, С.Баҳадирова, К.Мамбетов, К.Алламбергенов, Ж.Хошаниязов, К.Палимбетов, Ж.Низаматдинов, Ҳ.Жақсимова, Ф.Мақсетоваларининг⁶ илмий ишлари ва тадқиқотларида қорақалпоқ халқ достонларининг генетик илдизлари, вариантлари ва бошқа халқлар версиялари ва типологияси, композицион қурилиши, бадий хусусиятларига боғлиқ қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилади. Ўрта Осиё халқлари достоншунослигида маълум бир ўринга эга бўлган, ҳаётий масалаларни тасвирловчи мифологик эртак ва фантастик сюжетлар асосида тузилган қорақалпоқ достони «Шаҳриёр» ҳисобланади. Достонни ёзиб олиш ва уни нашр қилиш ишлари XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб олимлар томонидан амалга оширилди⁷.

Шунингдек, И.Т.Сағитов, Қ.Мақсетов, М.К.Нурмухамедов, Ҳ.Ҳамидов, А.Каримов, Г.Срашова, Қ.Байаниязов, Т.Байаниязова, Ж.Хошаниязов, М.Палимбетова, И.Алламбергенова ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларида⁸ достон ҳақида қисқача фикрлар билдирилган бўлса ҳам

⁵ Райхл К. Тюрский эпос: традиций, формы, поэтическая структура (перевод с немецкого В.Грейтер). – М.Восточная литература, 2008. – Б.384.

⁶ Давқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. 2-т. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 354; Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 491; Усы автор: Қарақалпақ фольклоры. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 224; Сағитов И. Қарақалпақ халқының қахарманлық эпосы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986. – Б. 354; Мақсетов Қ. Қарақалпақ қахарманлық дәстаны «Қырық қыз». – Нөкис: Қарақалпақ мәмлекет баспасы, 1962. – Б. 125; Усы автор: Қарақалпақ қахарманлық дәстанларының поэтикасы. Т.: Фан, 1965. – Б. 334; Ҳамидов Ҳ. Ески қарақалпақ тилинің жазба естеликлері. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985. – Б. 224; Баҳадырова С. «Китаби дедем Қорқыт». «Қоблан». «Едиге» хәм ҳазирги әдебиат ҳаққында ойлар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. – Б. 171; Баҳадырова С. Қарақалпақ қандай халық? – Т.: Наврўз, 2017. – Б. 256; Мәмбетов К. Әйемги қарақалпақ әдебияты. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1976. – Б. 204; Аллаамбергенов К. Қарақалпақ халық дәстаны «Едиге». – Нөкис: Билим, 1995. – Б. 228; Усы автор: Миф, ертеқ, тарийх хәм дәстан. – Нөкис: НМПИ, 2014. – Б. 103; Хошаниязов Ж. Миллий руўхий дўньямыздың сағалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 100; Усы автор: Қарақалпақ қахарманлық дәстанлары – миллий қәдириятлар дереги. – Нөкис: Илим, 2017. – Б. 92; Палымбетов К. «Қорқыт ата китабы» хәм қарақалпақ дәстанлары. – Нөкис: Билим, 2010. – Б. 128; Усы автор: Қарақалпақ халық дәстаны «Қоблан» (генезиси хәм типологиясы). – Нөкис: Билим, 2020. – Б.164; Низаматдинов Ж. Каракалпакский народный дастан «Ер Шора» (историко-типологические сравнение): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Нукус, 2000. – С.16. Жақсимова Ҳ. Қарақалпақ халық дәстаны «Юсуп-Ахмед», (Генезиси, жанрий хусусиятлари, типологияси ва поэтикаси) Филол.фан.номзоди дисс.автореф. Тошкент: 2008. – Б.20; Мақсетова Ф. «Саётхон-Ҳамро» достони қорақалпоқ версияси типологияси. Филол...фанл...буйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореф. Тошкент: 2021. – Б.54.

⁷ Пахратдинов А. Қарақалпақ халық дәстаны «Шәрьяр». Алғы сөз. – «Шәрьяр» Қарақалпақ халық дәстаны (Қуламет жыраў варианты). – Нөкис: ҚҚМБ, 1959.; Юсупов И. «Шәрьяр»дың русша аўдармасына алғы сөз. (В краю старинных сказаний). – «Сказание о «Шәрьяр» в переложении С.Северцова, 1971.; Қарақалпақ фольклоры. көп томлық, XIII том. «Шәрьяр». Қарақалпақ халық дәстаны. Өтенияз жыраў варианты (жазып алған Қ.Мақсетов) хәм Қуламет жыраў варианты (жазып алған Ә.Шамуратов). Текстлерди баспаға таярлап, алғы сөзлер менен жыраўлар ҳаққындағы мағлўматларды жазған хәм сөзлик дүзген Қ.Мақсетов. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1984.

⁸ Сағитов И.Т. «Шәрьяр» дәстаны ҳаққында // Совет Каракалпакстаны. 5-ноябрь. 1959, №213; Мақсетов Қ. «Шәрьяр» дәстанының тили ҳаққында // Вестник Каракалпакского Филиала АН Уз ССР, 1960, №2; Нурмухамедов М.К. Сказки А.С.Пушкина и фольклор народов Средней Азии. – Ташкент: «Фан», 1983; Ҳамидов Ҳ. Шығыс тиллериндеги жазба дәреклер хәм XIX әсирдеги қарақалпақ шайырлары. – Нөкис: Билим, 1991, 85-89-б; Каримов А. «Шәрьяр» дәстаны хәм оның туўысқан халықлар фольклоры менен байланысы // «Әмиўдәрья», №4-5, 1992; Срашова Г. «Шәрьяр» дәстанының вариантлары ҳаққында //

қорақалпоқ фольклоршунослигида махсус монографик тадқиқот олиб борилмади. Шунинг учун дoston генезиси, жанрий хусусиятлари, сюжет қатламлари, мотивлар типологияси ва образлари тизими масалаларини «Шахриёр»нинг миллий версиялари асосида ўрганиш, халқимиз бадиий тафаккурининг шаклланиши тарихи ва ривожланиш босқичларига тааллуқли янги илмий-назарий хулосалар чиқариш имкониятини яратади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти тарихининг аҳамиятли масалалари» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2020-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоқ халқ дostonи «Шахриёр»нинг генезиси, жанрий хусусиятлари, сюжет қатлами, қорақалпоқ версияси ва образлар тизими асосида дostonнинг қорақалпоқ версияси вариантларининг ўзига хослиги, Марказий Осиё туркий халқлари эпик аъналарисида тутган ўрни ва аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дostonнинг тўпланиши, ўрганилиш жараёнлари билан бирга генезисини, жанрий хусусиятлари, жировлар репертуарида тутган ўрнини аниқлаш; дostonнинг қорақалпоқ миллий вариантларидаги сюжетлари қатламларини, сюжет мотивлари типологиясини ва образлар тизимини ўрганиш орқали бошқа қардош халқлар дostonчилигида тутган ўрнини белгилаш;

дostonнинг қорақалпоқ миллий вариантлари матнида халқаро сайёр сюжетлар типологиясини қиёсий типологик таҳлил қилиш;

дostonдаги образлар таркибини яратишда жировларнинг мифологик, фольклористик, фантастик, ҳаётий-реалистик тасвирлаш усулларидан фойдаланиш маҳоратини очиб бериш;

дostonнинг бадиий композицион тузилишини, тил хусусиятларини, тасвирлаш усулларини аниқ мисоллар асосида таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Шахриёр» дostonининг ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими фундаментал кутубхонасининг қулёмалар захирасида сақланиб турган қўлёзма вариантлари ҳамда ҳар хил йилларда нашр қилинган босма вариантлари, шундан «Қорақалпоқ фольклори» нинг 20 жилдлиги XIII (1984 йил), 100 жилдлигининг XI-XIII жилдларидаги (2009 йил) матнлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини қорақалпоқ халқ дostonи «Шахриёр» нинг миллий вариантларининг пайдо бўлиши, шаклланиши манбалари, жанр хусусиятлари композицион тузилиши, сюжет қурилиши, образлари тизими,

Қарақалпақстан муғаллими. 2000, №3-4; – Б.94-97; Байниязов Қ., Байниязова Т. «Шәръяр» дostonининг дорелиў ҳам қалиплесиў дўйри ҳаққиндағы мәселеге // ӨзРИАҚҚБ «Хабаршысы». №5. 2003. – Б.77-79; Хошннязов Ж. Турмыслық дostonлар // ӨзРИАҚҚБ «Хабаршысы», №4. 2020. – Б. 104-111; Палымбетова М., Алламбергенова И.«Шәръяр» дostonида қолланылған мифлик мотивлер //Әмиўдәрья, №5. 2013. – Б.117-120.

эпик мотивлари таркиби ва дoston бадийлигини таъминловчи тасвирий воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, тарихий-генетик, қиёсий-типологик, структурал ва бадий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ халқ дostonи «Шаҳриёр»нинг миллий вариантларини қиёслаш натижасида Марказий Осиёдаги туркий халқларнинг мифологик эртак тип сюжетли дostonларидаги қадим даврларга мансуб архаик сюжетлар ва туркийларнинг эгизаклар култи, тотемистлик ва аниматик қарашлар билан боғлиқ мифопоэтик тасаввурлари асосида шаклланганлиги илмий жиҳатдан исботланган;

дoston вариантларининг туркий халқлар эпослари, эртаклари, ривоятлари, афсоналари ва мифларидаги сайёр сюжетлар билан ўзаро типологик муштарақлиги ва етакчи мотивлар таркибининг қадимийлиги ва унинг жанрий дифференциацияланиш жараёни узоқ давом этганлигидан далолат бериши ойдинлаштирилган;

дoston композициясидаги анъанавий эпик сюжетларнинг, образлар тизимининг ривожланишига, тасвирий воситаларига бой миллий вариантларнинг пайдо бўлишига жировларнинг бадиҳагўйлик истеъдоди ва шахсий ижрочилиқ маҳоратининг замин яратганлиги далилланган;

«Шаҳриёр» дostonининг ижтимоий ва ҳаёт масалаларини акс эттирган мифологик эртак тип сюжетли дoston эканлигини аниқлашда қаҳрамонларнинг ғайритабиий дунёга келиши, илоҳий кучлардан мадад олиб вояга етиши каби қадимги архаик мотивлар, мифологик қарашлар ва эътиқодларнинг ҳаётий реалистик тасвирлар билан қоришиқ ҳолда тасвирланиши дoston воқеалари асосида асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жаҳон фольклоршунослигидаги мифологик эртак тип сюжетли, фантастик-реалистик тасвирларга бой эпосларга хос илмий-назарий концепциялар умумлаштирилиб, уларнинг қорақалпоқ фольклоршунослигида тутган ўрни ва аҳамияти асослаб берилган;

дostonнинг пайдо бўлиши ва шаклланишига асос бўлган манбаларини аниқлаш жараёнида архаик, мифологик-эртакларга хос, фантастик, реалистик сюжетларининг қорақалпоқ эпослари генезисида тутган ўрни ойдинлаштирилган;

«Шаҳриёр» дostonи миллий вариантларининг ёзиб олиниши ва нашр этилишида халқ жировларининг дoston эпик сюжетини нозик пардаларда ижро этишдаги ўзига хос ижодий услуби ва асар мазмунини баён этишдаги тил маҳорати қиёсланиб, унинг қорақалпоқ дostonчилигида тутган ўрни кўрсатиб берилган;

дoston қаҳрамонларининг ғайритабиий туғилиши, илоҳий кучлардан мадад олиши, дуо, сеҳр, магик кучга эга бўлиши, эзгулик, адолатлилик,

эркинлик ва ҳ.к яхши ишлар йўлида ўз душманларига қарши курашиш, галабага эришиши матн асосида асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган илмий ёндашувлар, унда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, назарий хулосалар ва таклифларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ дostonлари бўйича илмий қарашларни мукаммаллаштиришда, шунингдек, «Шаҳриёр» дostonи генезисини, жанрий хусусиятларини, сюжет қатламлари ва образлар тизимини ўрганишда, бадиий композицион хусусиятларини илмий таҳлил қилишда ўзига хос илмий манба ва илмий тажриба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрта махсус ва олий ўқув юртларида фольклоршунослик фани бўйича маъруза ва семинарларни ташкил этишда, қорақалпоқ фольклоршунослиги фани бўйича ўқув дастурларини тузишда, халқ эпосларининг илмий-назарий масалаларини ўқитишда, дарсликлар ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратишда ва такомиллаштиришда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ халқ дostonи «Шаҳриёр» нинг генезиси, жанрий хусусиятлари, сюжет мотивлари типологияси ва образлар тизимини ўрганиш орқали олинган натижалар асосида:

«Шаҳриёр» дostonининг жанрий хусусиятлари, миллий вариантларининг ўзига хослигини ўрганишга доир илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий текшириш институтида бажарилган ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ қилиш (2017-2020)» мавзусидаги фундаментал тадқиқотларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 19 апрелдаги 17.01/81-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу илмий лойиҳанинг фольклор жанрига доир бўлимларини ёзишда ниҳоятда зарур илмий ва амалий манба сифатида фойдаланилган;

«Шаҳриёр» дostonининг генезиси, жанрий хусусиятлари, сюжет қатлами ва образлар тизими ҳақидаги илмий-амалий кузатувлар асосида умумтаълим мактабларининг ўқув-тарбия соатларида «Қорақалпоқ адабиёти» фани бўйича ўқувчиларга ўқитиладиган фаннинг сифатини оширишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 27 апрелдаги 01-01/5-2203-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор ва садоқат руҳида тарбиялашда, миллий ўзликни англашни шакллантиришда ёрдамчи восита сифатида қўлланилган;

Халқ достони «Шахриёр»нинг бадий-композицион хусусиятларига доир жировларнинг бадий тасвир воситаларидан фойдаланишдаги тил маҳорати масалаларини ўрганишга бағишланган хулосаларидан Т.И.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида бажарилган ФЗ-2016-0908165532-сонли «Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси» номли фундаментал лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Т.И.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2021 йил 9 апрелдаги 64-сон маълумотномаси). Натижада, дoston вариантлари матнларидаги тил хусусиятлари бўйича олинган хулосалар илмий-методик манба сифатида хизмат қилган;

халқ дostonларининг композицияси, сюжет қатлами ва образлар таркиби, ғоявий-бадий хусусиятлари билан боғлиқ назарий хулосалардан Қорақалпоғистон Телерадиокомпаниясининг «Халқ хазинасидан», «Мерос», «Фан ва таълим» номли кўрсатув ва радио-эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2021 йил 15 апрелдаги 01-021204-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу телекўрсатув ва радиоэшиттирувларнинг илмий оммабоплиги таъминланган ҳамда миллий кадриятларимизнинг руҳий-маданий ривожланишида тутган ўрнини ёшлар орасида кенг оммалаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва республика, шундан 2 таси республика, 4 таси халқаро миқёсдаги конференция ва семинарларда маъруза шаклида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини нашр этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 12 мақола, шундан 10 мақола республика, 2 та мақола чет эл журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, асосий уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зурурати акс эттирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва унинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ

берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Шаҳриёр» достонининг тўпланиши ва ўрганилиши, генезиси ва жанрий хусусиятлари» деб номланган биринчи боби икки фаслдан иборат. «Достоннинг ёзиб олинishi, нашр этилиши ва ўрганилиши масалалари» деб аталган биринчи фаслида достоннинг Қуламет, Ўтениёз, Есемурат, Қияс, Жумабай Базаров, Ажимурот жировлардан ёзиб олинган вариантлари (улардан Қуламет, Ўтениёз, Жумабай жиров вариантлари китоб шаклида нашр этилган) ҳақида сўз боради. «Шаҳриёр» достонининг барча ижрочилари таниқли жиров Нурабулла мактабига мансубдир. Нурабулланинг биринчи шогирдлари Ерполат ва Абдурасули, кейинчалик шогирдлик мақоми Қуламет ва ўзининг ўғли Есемурат, Ўтениёз ва бошқаларга ўтади. Шундай қилиб, халқимизнинг бой маданий мероси устоз-шогирдлик анъанаси билан бизнинг давримизгача етиб келган. Достонни биринчи марта шоир ва ёзувчи Амет Шамуратов 1939 йили Қўнғирот (ҳозирги Қонликўл) 7-овулида яшовчи Қуламет жиров Убби ўғлидан ёзиб олган. Ушбу вариант 1959 йили «Қорақалпоқ давлат нашриёти»да, 1984 йили «Қорақалпоғистон» нашриётида «Қорақалпоқ фольклори» кўп жилдлигининг (20 жилд) XIII жилдида чоп этилган. Достоннинг ушбу Қуламет жиров варианты 1971 йили рус шоири С.Северцев томонидан рус тилига, 1977 йили Муҳаммад Али томонидан ўзбек тилига таржима этилган. Достоннинг Қуламет жиров варианты ҳақидаги дастлабки қисқа маълумот профессор Қ.Айимбетовнинг «Халқ донолиги»⁹ китобида, кейинчалик профессор Қ.Мақсетовнинг қорақалпоқ жиров-бахшилари ҳақидаги кўламли тадқиқотларида¹⁰ учрайди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши оқибатида халқ меросларини тўплаш ишлари бироз тўхтаб қолди, 1950 йилларга келиб «Алпомиш», «Едиге», «Қоблан» каби достонлар ва шоир Бердақ меросларини миллатчилик, буржуазия ғояларини ташувчи асарлар сифатида қоралаш каби нотўғри сиёсий қарашлар «Едиге», «Ер Шора» каби достонлар каторида «Шаҳриёр» достонини ўрганишга ҳам салбий таъсирини кўрсатди. Достондаги деярли барча қаҳрамонлар ўз мақсадларига дуо-фотиҳа, ғайритабиийкучлар қудрати билан эришади, деган тушунчалар ҳам пайдо бўлди. Натижада, «Шаҳриёр» достонининг вариантлари бошқа халқ достонлари каби фақат йигирма йилдан кейингина жировлардан ёзиб олиниб, нашр этила бошланди. Жумладан, достоннинг Ўтенияз жиров варианты 1984 йили «Қорақалпоқ фольклори»нинг 20 жилдлигининг XIII жилдида Қуламет жиров варианты билан бирга босиб чиқарилди.¹¹ «Шаҳриёр» достонининг Есемурат жиров Нурабуллаев варианты 1959-1961 йилларда Рамберген Хожамбергенев томонидан Қўнғирот туманида ёзиб олинади. 1961 йилда эса фольклоршунос

⁹ Айимбетов Қ. Халқ даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан. – Б. 117.

¹⁰ Мақсетов Қ. Қарақалпақ жыраў бақсылары. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1983. – Б. 109-121; Мақсетов Қ. Дөстанлар. Жыраўлар Бақсылар. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1992. – Б. 62-129.

¹¹ Қарақалпақ фольклоры. 20 томлық, XIII том. «Шәрьяр». Ўтенияз жыраў хэм Қуламет жыраў вариантлары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1984. – Б. 236.

олим Қ.Мамбетназаров Қияс Қайратдиновдан достоннинг бошқа бир вариантыни ёзиб олади.

Достоннинг Ажимурот жирова варианты 1967 йили филология фанлари доктори Қ.Мақсетов ва Ж.Хошаниязов томонидан ёзиб олинади.

Бундан ташқари, «Шаҳриёр» достонини 1980 йили олим Қ.Байниязов Шўмонай туманида яшовчи Жумабой жирова Бозоровдан ёзиб олади ва ушбу вариант «Қорақалпоқ фольклори» кўп жилдлигининг 9-13 жилдида 2009 йили чоп этилди.¹² Достон вариантлари бўйича XX асрнинг 60 йилларидан бошлаб атоқли фольклоршунос олимлар И.Сағитовнинг «Шаҳриёр» эпоси ҳақида¹³, Қ.Айымбетовнинг «Халқ донолиги»¹⁴, М.Нурмухаммедовнинг «А.С.Пушкин эртаклари ва Ўрта Осиё халқлари фольклори»¹⁵, А.Каримовнинг «Шаҳриёр» достони ва унинг қардош халқлар фольклори билан алоқалари»¹⁶, Қ.Мақсетовнинг «Шаҳриёр» достони тўғрисида»¹⁷, Қ.Байниязовнинг «Шаҳриёр» достонининг яралиши ва шаклланиши даври ҳақида»¹⁸, Ж.Хошаниязовнинг «Ҳаётинг достонлар»¹⁹, К.Палымбетовнинг «Шаҳриёр» достонида Булбилгўё куш образи»²⁰, М.Палимбетова, И.Алламбергеноваларнинг «Шаҳриёр» достонида қўлланилган мифлик мотивлар»²¹ каби мақолаларида бирмунча фикрлар билдирилган бўлса ҳам, ушбу достоннинг қорақалпоқ версияси вариантлари генезиси, жанрий хусусиятлари, сюжет қатламлари ва образлар таркиби, типологияси масалалари, шунингдек, қардош халқлар достонлари сюжетлари ва мотивларига ўхшаш томонлари ҳалигача махсус ўрганилмаган.

Маълумки, «Шаҳриёр» достонига ўхшаш сюжет воқеаларини эслатадиган эртак ва достонлар ўзбек халқи орасида ҳам кенг тарқалган.

«Қорақўз Ойим», «Одилхон», «Соҳибқирон», «Ойпарча», «Дурафшо», «Шаҳриёр» каби достон ва эртаклар шундай асарлардир. Олим М.Жўраев ўзбек бахшилари репертуарида «Шаҳриёр» номли достоннинг бор эканлиги маълум эмас, ушбу асарнинг оғзаки версияси асосан қорақалпоқ фольклоридан сақланган. Аммо ушбу достон асосида «Шаҳриёр», «Шаҳриёри олам», «Гулчехра ва Шаҳриёр ҳикояси», «Дурафшо» кабилар кенг

¹² «Шэрия» дэстаны. Жумабай жыраў варианты. / ӨзРИАҚ бөлиминиң китапханасындағы қол жазба фонды. Р123, Инв №34641; Қарақалпақ фольклоры. 100 томлық. IX-XIII томлар. «Шэрия». Жумабай жыраў Базаров варианты. – Т.: Маънавият, 2009. – Б. 536.

¹³ Сағитов И.Т. «Шэрия» эпосы ҳақында // «Совет Қарақалпақстаны», газетасы, 1959. 14-октябрь.

¹⁴ Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1968. – Б. 297; Айымбетов Қ. «Шэрия» дэстаны өзбек тилинде // Әмиўдарья. – Нөкис, 1979. -№ 9. – Б. 120-121.

¹⁵ М.Нурмухаммедовтың «А.С.Пушкинниң ертеклери ҳәм Орта Азия халықларының фольклоры. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1987. – Б. 56.

¹⁶ Каримов А. «Шэрия» дэстаны ҳәм оның туўысқан халықлар фольклоры менен байланысы // «Әмиўдарья» журналы № 4-5. 1992. – Б. 107-114.

¹⁷ Мақсетов Қ. Дэстанлар, жыраўлар, бақсылар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992, – Б. 62-136.

¹⁸ Байниязов Қ., Байниязова Т. «Шэрия» дэстанының дөрелиў ҳәм қәлиплесиў дәуири ҳақындағы мәселеге. ӨзРИАҚҚБ «Хабаршысы» журналы, 2003, № 5. – Б. 77-79.

¹⁹ Хошаниязов Ж. Турмыслық дэстанлар // ӨзРИАҚҚБ «Хабаршысы», № 4. 2020. – Б. 104-111.

²⁰ Палымбетов К. «Шэрия» дэстанындағы сюжетлик ўақыялар ҳәм Булблгөя қус образы // ӨзР ИА ҚҚБ «Хабаршысы». 2016. № 3. – Б. 131-134.

²¹ Палымбетова М., Аллаамбергенова И. «Шэрия» дэстанында колланылған мифлик мотивлер. // Әмиўдарья, № 5. 2013. – Б. 117-120.

тарқалган»²² деб ёзади. Фольклоршунос С.Рўзимбоев томонидан 1980 йили хоразмлик қиссахон-халфа Сўна Эшматовадан «Шаҳриёр» достонининг Хоразмда тарқалган яна бир нусхаси ёзиб олинади. Лекин, «Шаҳриёр» достонининг ўзбек версияси Хоразм вариантлари қорақалпоқ версияси вариантларига умуман ўхшамайди. Уларда китобий қисса вариантларга хос унсурлар анча кўп. «Шарьяр» достонининг қорақалпоқ версиясининг 6 та варианты ҳам эпик асарлар-оғзаки мумтоз эпос тоифасига киради.

Шуни қайд қилиш керакки, «Шаҳриёр» достони бўйича юқорида номлари кўрсатилган муаллифларнинг мақолаларида кўпроқ чоп этиган Ўтенияз, Қуламет, Жумабай Базаров жировлар куйлаган вариантларнинг ғоявий йўналиши, сюжет ва мотивлари, баъзи образлари ҳақида қисқача сўз юритилиб, қўлёзма ҳолида сақланган достоннинг Қиёс, Есемурат, Ажимурат жировлардан ёзиб олинган қўлёзмалари эътибордан четда қолган. Мазкур тадқиқотда ушбу достоннинг олтита оғзаки варианты махсус таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг «**Достоннинг пайдо бўлиш илдизлари ва жанрий хусусиятлари**» деб номланган иккинчи фаслида достоннинг бошқа эпик асарлардан фарқли жиҳатлари ҳақида сўз боради. Қорақалпоқ халқ достони «Шаҳриёр»нинг композицион қурилиши ва сюжетида халқнинг қадимги даврлардаги эътиқодлари билан мушоҳадалари, дунёқараши билан тафаккур тарзи ва тушунчалари акс этган. Яъни достоннинг яхлит сюжет чизигида оддий мифик тасаввур ва қарашлар, қадимги даврлардаги инсонларнинг ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларни диний тушунчалар билан изоҳлаш усули сақланиб қолган. Масалан, достон қахрамонларининг Оллоҳгасиғиниши, пир ва авлиёларга ҳурмат, эҳтиром кўрсатиши, уларга эътиқод қилиши диний тушунчалар билан боғлиқ ҳисобланади. Достон қахрамонлари ҳаёт машаққатларига дуч келганда, пирлардан мадад олади, дуо, дам солиш каби ғайритабiiй кучларга ишонади.

Профессор Қ.Камалов: «Қорақалпоқ достонларининг, эртакларининг кўпчилигининг ибтидоси қадимги даврларга бориб тақалади. Бундан ташқари, ёзма адабиёти унча ривожланмаган халқларда достон яратиш анъана тусига кирган. Истеъдодли бахши-жировлар, ҳатто шоирлар ҳам илгаридан мавжуд бўлган тайёр эртак ва афсоналар сюжети асосида достонлар яратганлар»²³, деб ёзади. Дарҳақиқат, «Шаҳриёр» достони сюжетида бундай афсона, эртак сюжетлари кўп учрайди.

Профессор Қ.Максетов «Шаҳриёр»нинг энг дастлабки манбалари китобий нусхалар билан алоқадор бўлиши мумкин»²⁴, деб ёзади ва 1959 йили достонни Ўтенияз жиров Ийимбетовдан ёзиб олиш пайтида жиров достоннинг асл нусхаси китобий достон бўлганлигини ўз устозидан эшитганлигини айтган.²⁵ Аммо ушбу фикрларни исботлаш қийин. Лекин,

²²Жураев М. «Шаҳриёр» достони сюжетининг ўзига хос эпик талқинлари. ҚМУ «Хабаршысы», 2019, №2, – Б. 156.

²³ Камалов Қ.Қарақалпақ әдебиятында көркем методтың эволюциясы. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1988. – Б.15.

²⁴ Максетов Қ. Дәстанлар, жыраўлар, бақсылар. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1992. – Б.134.

²⁵Бул да сонда., – Б.64

шуниси аниқки, «Шахриёр» достонини дастлаб мифик, эртак, афсонавий сюжетлар асосида оғзаки айтилиб юриб, вақтлар ўтиши билан йирик эпос достонга айланган ва кейинчалик соф китобий достон шаклида ҳам пайдо бўлиб, халққа тарқаган, бахшилар, қиссахонлар репертуарида айтилган, вақтлар ўтиб, сюжети такомиллашиб, ҳаёт билан боғлиқ ҳолга келиб, ижодий қайта ишланиб, оғзаки, кўламли, эпик сюжетли достон сифатида жировлар ижросида бизгача етиб келган.

Бобнинг ушбу бўлимида, «Шахриёр» достони генезиси, жанрий хусусиятлари каби масалалар бўйича олимларнинг ҳар хил мулоҳазалари келтирилиб, достоннинг бошқа қаҳрамонлик достонларидан ўзгача шаклда трансформацияга учраганини, воқеалар эртак тарзида баён этилганлигини, мифологик тасвирларнинг ҳаёт воқеа-ҳодисаларига уйғун ҳолда тасвирланганлигини, мифологик, эртак тип сюжет мотивларининг ижтимоий-майший мазмундаги реалистлик мотивлардан устун турганлигининг қиёсий таҳлили натижаларига асосланиб, «Шахриёр» достонини жанрий жиҳатдан ижтимоий, ҳаётий масалаларни акс эттирган «мифологик эртак тип сюжетли достонлар» қаторига киритиш мумкин, деган хулосага келинган.

Диссертациянинг «Шахриёр» достонининг сюжети ва вариантлараро хусусиятлари (Сюжет қатламлари. Сюжет мотивлари типологияси)» деб номланган иккинчи боби икки фаслни ўз ичига олади. «Шахриёр» достони вариантларининг ўзига хос хусусиятлари» деб аталган биринчи фаслида достоннинг бошқа достонлардан фарқланиб турадиган жиҳатлари ҳақида сўз боради. Достон вариантларини қиёслаб шунга ишонч ҳосил қилдикки, воқеаларнинг берилишида халқ эпосларига хос анъанавий усуллар ҳам, жировларнинг индивидуал ёндашувлари ҳам ўз аксини топган. Достон композицияси қаҳрамон ота-онасининг шажарасини, улар яшаган замон ва маконни тасвирлаш билан бошланади. Бундай тасвир усули барча достонларга хос анъанавий усул бўлиб, у «Шахриёр» достони барча вариантларида сақланган, яъни воқеалар қадим замонларда бўлганлигини билдиради. Аммо ушбу воқеаларнинг макони барча вариантларда ҳам бир хил эмас. Масалан, Ўтениёз, Есемурат, Ажимурат жировларда: «О Арабтың халқында, Емен деген журтында» деб берилса, Қуламет жировда «Көп Ноғайдың ишинде», Жумабой жировда «Хандәрья бойында», Қияс жировда «Аз Ноғайлы елинде, Хоразмның ойында, Орын дәрья бойында, Айналы жәхән шәхринде» деб баёнланади. Бундаги Ноғайли ва Хоразм этнотопонимлари аниқ бўлса ҳам, Яман, Хондарё, Ўриндарё, Ойнали жаҳон шаҳар каби топонимлар аниқ эмас. Булар жировларнинг хаёли, фантазияси билан боғлиқ. Достоннинг Қуламет, Есемурат, Ажимурат жировлар вариантларида достоннинг экспозицияси (кириш), «Шажара» китобларидаги каби воқеа-ҳодислар диний нуқтаи назардан Одам Атодан бошланади. Масалан, Қуламет жиров вариантыда:

Бурынғы әййем заманда,
Ол заманның қәдиминде,

Ай менен күнди жаратты,
Ай менен күннің астында,
Адам Атаны дөретти.
Ол Атаның перзенти,
Кими динсиз кәпир болып,
Кими мусылман өтті²⁶, – деб куйлайди. Худди шу тахлитдаги баён усули Қияс жировда ҳам учрайди. Масалан:

Ким, ким өтті, ким өтті,
Қәхәрин салып қыс өтті,
Рәхимин салып жаз өтті,
Он еки ярым хан өтті²⁷.

Бу каби мисоллар орқали достондаги воқеалар қадим замонларда бұлиб ұттанлигига ишора қилинади. Достонда халқ орасидаги ривоят, мифва эртак сюжетлардан маҳорат билан фойдаланилган. Жировлар достоннинг бир неча ўрнида қадимги афсонавий мифик қахрамон Сулаймон шоҳ исми билан боғлиқ ривоятларни воқеаларга уйғунлаштириб, сингдириб юборган. Масалан, Ўтенияз жиров варианты кириш қисмида Дарофшани «Сулайман тахтына минген, Бәршени бир көзде көрген», Есемурат ва Ажимурат жировларда «Жети ықлымға патша болған», деб таърифлайди. Достонларда ҳам, эртакларда ҳам энди туғилажак қахрамоннинг отасининг хон бұлганлиги айтилади. Лекин, унинг неча ёшида хонлик тахтига ўтирганлигини баён қилиш эртакларга хос хусусият, бу эса «Шаҳриёр» достонида сақланган. Достонлар экспозициясида қахрамоннинг дунёга келгунгача бұлган насл-насабини тасвирлаш ва туғилган, от миниб, қурол-яроқ осганигача бұлган даврини энг кичик деталаригача эпик тасвирлаш достонларга хос хусусиятдир. Ушбу анъана «Шаҳриёр» достонида ҳам сақланган ва бу ҳаётий воқеа-ҳодисалар эртакларга хос хусусиятдир. Фарзандсизлик мотиви «Шаҳриёр» достонида ўзига хос шаклда берилган. Барча 6 та вариантда ҳам Шаҳидарап шоҳнинг 9 та хотини бўлади. Қахрамонлик достонларида фарзандсиз подшоҳ азиз авлиёларни зиёрат қилиб кетса, «Шаҳриёр»да қахрамон Каъбани тавоф этиш учун йўлга чиқади. Бу Марказий Осиёга Ислом дини кириб келиши билан пайдо бұлган мотивдир. Достонда фарзандсизликмотивини беришда хилма хиллик мавжуд. Масалан, Ўтенияз жировда «Темирден ҳаса(ҳасса) қолға алып, Темирден геўишти кийип, «хәзирети каабаға хәжире болып кетейин, дегенше, патшаның кеўлинде бир қыял пайда болады»²⁸ дейилса, Қуламет жировда «Перзентсиз тахти бийпаян, Зуриятсиз тахти ол талан, Тахти қурисин нетейин, Мали қурисин қайтейин, Мен тахтимдан түсейин, Кийимимди шешейин, Ийниме жанде илейин,

²⁶ Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық, XIII том. «Шәръяр» дәстаны. Қуламет жыраў варианты. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1984. – Б.135.

²⁷ «Шәръяр» дәстаны. Қияс жыраў варианты. ОЗРИАҚ бөлимининг китапханасының қол жазбалар фонды. – Р. 123.инв.№40273.

²⁸ Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық, XIII том. «Шәръяр». Отенияз жыраў варианты. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1984. – Б.13.

Перзент ушин зар жилап, Кабага таваб етейин...»²⁹, Жумабой жировда эса Улсиз-қизсиз бенденинг жийгани талау дер еди, кейини уайран дер еди....»³⁰, деб анча кенгайтириб берилган. Есемурат жировда ушбу монолог жуда қисқа насрий йўлда, бошқа жировларда учрамайдиган шаклда «Ей, жаббар, Кудая, вонданг мен дунёдан ўткенде, тахти-мулкимди, имарат, журтимди, кимга инам айлерсен, деп айне саҳар вақтинда етек женгин кесип, шийдилла тартип хув деп қалендер болип ханайи Кабааға карап раўан болди...»³¹ деб тасвирлайди.

Шундай қилиб, диссертациянинг ушбу бўлимида ҳар бир жиров кўйлаган дoston вариантлари сюжетидаги воқеалар баёнида, мотивлар ва образларни тасвирлашда, шунингдек, қаҳрамоннинг хулқ-атвори билан тимсолини тасвирлашда ўзига хос баъзи хусусиятлари билан бирга, ўхшашликларининг ҳам бор эканлиги матнлар материаллари асосида қиёсий тарзда ўрганилди.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли «**Шаҳриёр**» дostonидаги **сайёр сюжетлар типологияси**» деб номланган. Рус фольклоршунослигида «Странствующие сюжеты», «Блуждающие сюжеты», «Миграция сюжетов» каби атамалар учрайди. Қорақалпоқ оғзаки ижодини ўрганган кўпчилик олимлар ишларида ушбу атама-тушунчалар «Сюжетларнинг саёҳати», «Сюжетларнинг кўчиб-қўниши», «Гезбе сюжетлар» деб аталиб келинмоқда. Ушбу атаманинг мазмун-моҳияти ўқувчиларга ноаниқ ва ножўя туюлганликдан биз уни умумлаштирган ҳолда «аўыспалы сюжетлер» деб номладик. Ушбу атамани биринчи бор илмий муомалага киритган рус олими, академик В.М.Жирмунский эди.³²

Қорақалпоқ эпослари бўйича қиёсий тадқиқотлар олиб борган И.Сағитов: «...Шарқ ва Ғарб халқлари эпик ижодиётида муайян ижтимоий ва маданий ривожланиш вазиятларидан келиб чиққан тарихий-типологик ўхшашликлар, бир-бирига ўхшаш бўлган бир қатор мавзулар, мотивлар, сюжетлар, воқеалар учраб туради»³³ – деб ёзади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай дoston яхлит эпик асар сифатида бирданига пайдо бўлган эмас. Дастлаб уларнинг айрим кўринишлари, бўлимлари пайдо бўлган. Кейинчалик улар ўзларининг бадиий қимматига кўра ўзаро бириктирилиб дoston-поэмаларга айлантирилган. Дастлабки вақтларда ижрочилар ўзларининг назари тушган қаҳрамоннинг халқ ёдида қолган ҳаракатларини бўлғуси эпик асарнинг бир тармоғи сифатида яратади. Кейинчалик, бир оз вақт ўтгач, тингловчилар талабларига мувофиқлаштириб, оз-оздан тўлдириб, такомиллаштирилиб борилади. Унга халқ орасидаги

²⁹ Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық, XIII том. «Шәрьяр». Қуламет жыраў варианты. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1984. – Б.135-136.

³⁰ Қарақалпақ фольклоры. 100 томлық. IX-XIII томлар. «Шәрьяр». Жумабай жыраў Базаров варианты.– Т.: Маънавият, 2009. – Б.225.

³¹ «Шәрияр» дәстаны. Есемурат жыраў варианты / ӨзРИАҚ бөлиминиң китапханасындағы қол жазба фонды. Р 123, инв. №41774. – Б.1.

³² Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. - Ленинград. Наука. 1979. – С.344.

³³ Сағитов И. Вопросы сравнительного изучения эпоса. «Вестник» ККФАН УзССР. №1. 1962. – С. 64

эртақ-афсоналар, ривоятлар, ҳар хил оғзаки афсона-ҳикоятлар кўшиб борилади. Масалан, қорақалпоқ халқ достони «Шаҳриёр»нинг сюжетида ҳам учқур хаёл (фантастика) билан оддий афсонавий воқеалар (мифлар)нинг уйғунлаштирилишининг ажойиб намунасини кўриш мумкин.

«Шаҳриёр» достони илгаридан дунё халқларида мавжуд бўлган эртақ, афсона, хаёлий, учқур ривоятлар (фантастика)ни эсга солади. Улар бизнинг катта достонимиз билан ҳамоҳанг, илдизлари бир, сайёр сюжетлар галереяси сифатида кўзга ташланади. Биз бу ҳолатни достон билан таниша бошлаганимиздаёқ сеза бошлаймиз. Фольклоршунос олим Қ.Мамбетназаров, Ҳ.Эгамов «Эртақлардаги сайёр сюжетлар» мақоласида: «Албатта, эртақлар билан достонлар ўзларининг яратилиши жиҳатидан қадимги даврлар мулки бўлиши билан бирга вақеани баёнлаши, образ яратиши, мазмун ва сюжет тузилиши томонидан бир-бирига ниҳоятда яқин. Масалан, баъзи бир эртақларнинг ҳажмини ҳисобга олмаганда, достон мазмунини берадигандай, баъзи бир достонлар эртақ каби сюжетда тузилган бўлади. Аммо улар бир-бирини истисно қилмайди, аксинча, бир-бирини тўлдириб туради»³⁴, деб ёзади. Дарҳақиқат, қорақалпоқ халқ достони «Шаҳриёр» композицияси ва сюжет воқеалари жиҳатидан грекларнинг «Зет ва Амфион» ҳақидаги мифларига, туркларнинг «Дильрукеш», «Подшоҳ ва қизлари» эртагига, арабларнинг «Уч жонон», қирғизларнинг «Беҳая хотинлар», «Ҳасан ва Ҳусан», «Айсултан», туркманларнинг «Галандор султон», «Гулжаҳон» эртақлари, ўзбек халқининг «Ҳасан ва Зухра», «Ҳасан ва Ҳурлиқо», «Одилхон», «Ширин ва Шакар», «Шаҳриёр» достонлари, қозоқ халқ эртаги «Алтин айдар», қорақалпоқ халқ достони «Мунглиқ ва Зарлиқ», А.С.Пушкиннинг «Шоҳ Султон ҳақидаги эртақ»лари билан сюжет ва мотивлари яқин, ғоявий йўналиши ниҳоятда ўхшаш ҳисобланади.

Аммо, мазкур эртақлар ва достонларда ҳар бир халқнинг миллий ўзгачаликлари кўриниб туради. Тадқиқотнинг ушбу бўлимида «Шаҳриёр» достонида шоҳнинг фарзандсизлиги, уч қиз воқеаси ва эгизак болаларнинг ғайритабиий туғилиши, уларнинг кийик сутини эмиб вояга етиши ёки авлиё-анбиёлар билан қирқ чилтан эранлар ёрдамида ўлимдан қутилиб қолиши, подшоҳ хотини туғишидан олдин бошқа элларга ёки узоқ юртларга сафар қилиши, кундош хотинлар ва Мاستон кампир образига жамланган ҳасадгўйлик ва ёвузлик иллатлари, воқеа охирида ҳақиқат қарор топиб, бош қаҳрамонларнинг мурод-мақсадига етишлари, ёмонлик қилган кишиларнинг жазоланиши, қадим замонлардан буён кўпгина халқлар фольклорида яшаб келаётган сайёр сюжетлар сифатида ўрганилиб, муайян илмий-назарий хулосаларга келинди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Шаҳриёр**» достонининг **образлар тизими ва бадий композицион хусусиятлари**» деб аталиб, унинг «**Шаҳриёр**» достонининг **образлар тизими**» деб номланган биринчи фаслида достондаги образлар тавсифига катта ўрин берилади. Маълумки,

³⁴ Мамбетназаров Қ., Эгамов Ҳ. Ертеклерде көшпели сюжетлер // Эмиўдәрья. – №8. 1981. – Б.115.

